

И. А. Рустанов

Хозирги
КАШМИР

ПРОВЕРИТЬ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
АБУ РАЙХОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ ШАРҚШУНОСЛИК
ИНСТИТУТИ



911
P-92

Ў. А. РУСТАМОВ

ҲОЗИРГИ КАШМИР

ТАРИХИ, ИҚТИСОДИ ВА МАДАНИЯТИ
ҲАҚИДА ОЧЕРКЛАР

ЎЗБЕКИСТОН ССР ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ НАШРИЁТИ
ТОШКЕНТ — 1961

Тарих фанлари кандидати У. А. Рустамовнинг бу китоби Ҳиндистон Республикаси штатларидан бири бўлган Жамму-Кашмирнинг тарихи, иқтисоди ва маданиятига бағишланган очерклардан иборатдир.

Очеркларга қуйидаги ҳужжатлар: 1846 йилги Амритсар шартномасининг тексти, Бирлашган Миллатлар Ташиқлотчи Хавфсизлик Кенгашининг 1948—1949 йилларда Кашмирда мавжуд бўлган сиёсий вазиятга оид ҳужжатлари, Совет Иттифоқи ҳукумат делегациясининг 1955 йил декабрь ва 1959 йил март ойларида Кашмирда меҳмон бўлиб туриши, шунингдек, Жамму-Кашмир штатининг бошлиғи (садри риёсати) юварож Карон Сингхнинг Совет Иттифоқида меҳмон бўлиб келиши муносабати билан матбуотда эълон қилинган ҳужжатлар илова қилинган. Бундан ташқари, китобга бир қанча фотосуратлар ҳам илова қилинган.

Китоб кенг китобхонлар оммасига: тарихчилар, шарқшунослар, этнографлар, гуманитар факультетларнинг ўқитувчилари ва студентлари, шунингдек, Ҳиндистон Республикасининг тарихи ва ҳозирги аҳволи билан қизиққан барча кишиларга мўлжалланган.

СУЗ БОШИ

Мамлакатимиз халқлари, айниқса Ўрта Осиё халқлари, қадим замонларданоқ Ҳиндистон халқлари билан иқтисодий, сиёсий ва маданий соҳаларда яқиндан алоқа қилиб келадилар. Қадимда Ўрта Осиё Европа билан Ҳиндистон ўртасида олиб борилган савдо муносабатларида фақат во-ситачилик ролинигина ўйнаб қолмай, балки ўзи ҳам Ҳиндистон билан бевосита савдо-сотиқ қилган. Ўрта Осиё билан Ҳиндистон ўртасида бевосита савдо-сотиқ муносабатлари эраминдан олдинги IV асрнинг охиридаёқ ўрнатилган бўлиб, ундан кейинги даврларда бу муносабатлар янада кенгайиб ва мустаҳкамланиб борган. Ҳиндистондан Ўрта Осиёга қимматбаҳо тошлар, марварид, дока, ҳинд газламалари, зарбоф буюмлар, бўёқлар, атторлик моллари, чой ва ҳоказолар келтирилган. Ўрта Осиёдан Ҳиндистонга эса шойи буюмлар, мовут, ип газлама, гилам, мўйна ва шу кабилар чиқарилган.

Рус савдогари ва сайёҳи Афанасий Никитин биринчи бўлиб ҳинд тупроғига қадам қўйган европаликлардан эди. Мамлакатларимиз ўртасидаги савдо муносабатлари янги замонда ҳам ривожланиб борди. Фақат 1888 йилнинг ўзидаёқ Ҳиндистондан Туркистон ўлкасига 147 466 пуд ҳинд чойи, Бухорога эса 10 минг пуд нил бўёғи, 44 минг бўлак дока, 1 минг той ҳинд кимхоби, 400 бўлак шол келтирилган. Бухорога Ҳиндистондан бир йил мобайнида ҳаммаси бўлиб, 1888 йил курси билан олганда, қарийб 3 миллион сўмлик мол келтирилган¹.

Ўрта Осиё ва Ҳиндистон халқлари ўзаро иқтисодий алоқа юритишдан ташқари, жуда қадим замонларданоқ бир-бирлари билан маданият, сиёсат соҳасида ҳам яқин муносабат-

¹ Ўзбекистон ССР Марказий давлат архиви, И—1-фонд, 34-рўйхат, 714-дело, 8-варақ.

да бўлиб келганлар. Ҳар икки мамлакат ўртасидаги маданий ва сиёсий муносабатларнинг ўрнатилиши ва ривожлантирилишида Ўрта Осиёга энг яқин жойлашган Кашмир муҳим роль ўйнаган. Бу муносабатлар ўрта осиелик ва кашмирлик сиёсий, маданий арбобларнинг ўзаро борди-келди қилишларида, ҳар икки мамлакат ўртасидаги ўзаро китоб алмашувларда ва ҳоказоларда бевосита намоён бўлган.

Кашмирнинг кўзга кўринган жамоат ҳамда сиёсий арбоблари Ўрта Осиё шаҳарларида турли-турли вақтларда истиқомат қилганлар. Масалан, Шоҳихон² ва бошқалар. Кашмир махарожаси Ранбир Сингхнинг Тошкентда (1866 йил ўрталарида) ҳамда Шимолий Кашмир феодал мулк эгаларидан бирининг Ушда (1891 йил ўрталарида) элчихоналарининг бўлганлиги янги замонда Ўрта Осиё билан Кашмир орасида юритилган сиёсий алоқаларнинг мисолидир³.

Ҳозирда Жамму-Кашмирда равнақ топаётган аксар касб-ҳунарлар (гул тикиш, кашта тикиш, гилам тўқиш, папье-машедан буюм ясаш, ёғочга ўйиб нақш солиш)нинг ўлкада расм бўлишига ўрта осиелик ажойиб усталар сабабчи бўлганлар. «Шол» сўзининг ўзи,—деб ёзади инглиз Пирс Жервис,—Кашмирда XVI асрнинг иккинчи ярмидан эътиборан ишлатила бошланган. Бу сўз Кашмирда келган кўқонлик Нағзбек деган уста туфайли истеъмолга кирган». Кашмирда Шоҳихон билан бирга келган самарқандлик ҳунармандлар эса «гилам тўқиш ишини бошлаб берганлар»⁴. XV асрда кашмирлик усталар томонидан ишланган ва ҳозирда Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Шарқшунослик институтида сақланаётган ажойиб муқовалар коллекцияси Ўрта Осиё билан Кашмир халқлари ўртасида китоб алмашув иши жуда тараққий этганлигидан далолат беради.

Ўрта Осиё билан Ҳиндистон халқлари (хусусан Кашмир халқлари) ўртасидаги қадимдан давом этиб келаётган дўстона алоқалар инглиз мустамлакачиларининг кўп миллионли ҳинд аҳолиси устидан ҳукмронлик қилган даврида бузилди.

Биринчи томондан, мамлакатимизда Улуғ Октябрь социалистик революциясининг ғалаба қозониши ва социализм-

² Шоҳихон Кашмир ҳокими Искандар Бутшиканнинг ўғли бўлиб, кейинчалик Кашмирда Зайнул Абадин номи билан элга танилган. Шоҳихон 1398—1405 йилларда Самарқандда Темур саройида Бутшиканнинг элчиси сифатида яшаган.

³ Бу ҳақда қуйидаги асарга мурожаат қилинсин: У. А. Рустамов, К истории изучения экономических, политических и культурных связей между народами Индии и Средней Азии, в кн.: «Труды Института востоковедения АН УзССР», вып. IV, Ташкент, Изд-во АН УзССР, 1956, стр. 64—66.

⁴ Pearce Gervis, This is Kashmir, L., 1954, p. 142.

нинг тантана қилиши, иккинчи томондан, мустақил, суверен Ҳиндистон Республикасининг ташкил топиши муносабати билан совет ва ҳинд халқлари ўртасида иқтисодий, сиёсий ҳамда маданий алоқаларни янада ривожлантириш учун кенг йўл очилди. СССР ва Ҳиндистон Республикаси ўртасида дипломатик алоқанинг ўрнатилиши, ўзаро ҳукумат ҳамда парламент делегацияларининг тобора кўпроқ алмашиниши, иқтисодий ва маданий алоқаларнинг борган сари кенгайиши ҳар икки мамлакат халқларининг бир-бирларини яқиндан, яхшироқ билишга интилаётганлигидан хабар беради.

Ҳозирги вақтда Совет Иттифоқи Ҳиндистон Республикасининг ўз миллий экономикасини ривожлантириш ҳамда иқтисод соҳасида чет эл империализмга қарамликдан қутулиб, мустақилликка эришиш учун олиб бораётган курашида унга жуда катта ёрдам бермоқда. Ҳинд металлургиясининг тўнғичи — Бхилай металлургия заводи куришда совет ва ҳинд мутахассисларининг ҳамкорликда иш кўриши ҳинд ва совет халқлари ўртасидаги кундан-кунга мустаҳкамланиб бораётган дўстликнинг ёрқин намунасидир.

Совет шарқшунос олимлари Ҳиндистоннинг тарихи, экономикаси ва ҳозирги аҳволини, ҳинд халқларининг маданияти, маиший турмуши ва бошқа соҳаларини ўрганиш юзасидан жуда катта илмий текширишлар олиб бормоқдалар.

Автор, мазкур китоб ҳинд ва совет халқларини бир-бирлари билан янада яхшироқ таништириш ҳамда бу халқлар ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлашдан иборат улкан ва улуғвор ишга муайян ҳисса қўшади, деб умид қилади.

Марксизм-ленинизм классикларининг Ҳиндистон тарихи, экономикаси, маданиятига оид, ҳинд халқининг инглиз мустамлакачиларига қарши олиб борган кураши ва шу каби масалаларга оид асарлари мазкур иш учун методологик асос бўлиб хизмат қилди.

Ушбу очеркларни ёзишда рус ва совет шарқшунос таърихчиларининг илмий асарлари, совет газета ва журналларида, шунингдек, Ҳиндистон билан Покистон газета ва журналларида босилиб чиққан материаллардан, ҳинд, инглиз, америкалик авторларнинг китоблари, брошюралари, мақолаларидан жуда кенг фойдаланилди.

Автор ушбу асарни нашрга тайёрлашда ёрдам кўрсатган барча ўртоқларга, шунингдек, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Хавфсизлик Кенгашининг Жамму-Кашмирдаги ҳозирги сиёсий аҳволга оид расмий ҳужжатларини авторга фойдаланиш учун лутфан тақдим этган Бирлашган Миллатлар Ташкилоти XII сессиясида қатнашган Совет делегациясининг аъзоси Ғ. С. Султоновга самимий миннатдорчилик билдиради.

ЖАММУ-КАШМИР ҲАҚИДА УМУМИЙ МАЪЛУМОТ

Жамму-Кашмир Ҳиндистон Республикасининг 14 та тенг ҳуқуқли штатларидан биридир. Кашмир халқи 1947 йилнинг октябрь ойида, яъни Ҳиндистон доминиони икки қисмга — Ҳиндистон Иттифоқи ва Покистонга бўлинган ойдаёқ. Жамму-Кашмирнинг Ҳиндистон Республикаси составига алоҳида штат бўлиб қўшилиши ҳақида қарор қабул қилган эди. Дастлабига штат 1947 йил 27 октябрда имзоланган «Ҳиндистон Иттифоқида қўшилиш ҳақида акт» асосида идора қилинган. 1952 йил 24 июлда Ҳиндистон билан Кашмир ҳукумати томонидан имзоланган Деҳли шартномасида Ҳиндистон Республикаси составига кирган Жамму-Кашмирнинг статус ва ҳуқуқлари узил-кесил аниқлаб қўйилди. 1954 йил 6 февралда штатнинг Таъсис мажлиси Жамму-Кашмирнинг Ҳиндистон Иттифоқи составига қўшилганлигини тасдиқлади, Ҳиндистон Республикаси президентининг 1954 йил 14 майда чиқарган фармойишида эса Ҳиндистон Иттифоқи составидаги бу штатнинг алоҳида ҳуқуқлари кўрсатиб ўтилди. Жамму-Кашмирнинг 1956 йил 17 ноябрда бўлиб ўтган Таъсис мажлиси штат конституциясини қабул қилди, бу конституциянинг 3-моддаси «Жамму-Кашмир Ҳиндистон Иттифоқининг таркибий қисми эканлиги ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолишлигини» тасдиқлади.

Жамму-Кашмир штати Ҳиндистоннинг энг шимолий қисмида жойлашган бўлиб, майдони 218,7 минг км² дир. Штат шимоли-шарқда Хитой Халқ Республикаси (Тибет ва Синьцзян вилоятлари) билан, шимолда Афғонистон билан, ғарбда Покистон билан чегарадошдир. У шимоли-ғарбда Совет Иттифоқидан тор йўлак (Афғонистонга қарашли Ваҳан йўлаги) билан ажралган бўлиб, бу йўлакнинг кенглиги Карамбар довори ёнида кўп деганда 35 км га тенг келади. 1951 йил март ойидаги маълумотларга кўра, штат аҳо-

лиси 4,4 миллиондан ошиқроқ кишини ташкил этади; бу аҳолидан 200 787 киши штат пойтахти Сринагарда яшайди.

Жамму-Кашмир штати территориясининг 95 проценти баланд тоғлардан иборатдир. Штатни шимоли-ғарбдан жануби-шарққа қараб Пири Панжол, Катта Ҳимолай, Хинрож Ладак ҳамда Қорақурум тоғ тизмалари кесиб ўтади.


Географик жиҳатдан Жамму-Кашмирни учта асосий табиий зонага бўлиш мумкин, бу зоналарнинг чегаралари тахминан штат составидаги учта маъмурий вилоятнинг чегараларига тўғри келади.

Биринчи зона Пири Панжол тизмасидан жанубда жойлашган бўлиб, бевосита Панжобга бориб тақалади. Бу зонада Жамму вилояти жойлашган бўлиб, майдони 32 минг км², яъни штат территориясининг 15 процентини ташкил қилади. Жамму вилояти Панжобнинг яланг текисликлари билан қўшилиб кетган; Жамму Панжоб текисликларига ўхшаш, аҳоли зич ўрнашган, деҳқончилик яхши тараққий этган аллювиал текисликдан иборатдир. Вилоятнинг иқлими серёғин бўлса-да, суғориш каналлари жуда кўпдир. Штатдаги экин майдонларининг 55 проценти ҳамда штат аҳолисининг ярмига яқини ана шу вилоятда жойлашгандир. Шимолда бу аллювиал текислик бора-бора тепаликлардан иборат чўлга ўтади, чўлнинг этагидан эса Пири Панжол тизмасининг ўрмон ўсимликлари билан қопланган тармоқлари бошланади.

Жамму вилоятининг иқлими муссон иқлимидир. Вилоятга йилига 1120 мм ёғин ёғади, бу ёғиннинг 50 проценти нам муссон ҳукмрон бўлган даврга — июль-август ойларига тўғри келади. Вилоятнинг жануби-шарқий қисмига, айниқса Ҳимолай тоғининг этакларига кўп (1600 мм га яқин) ёғин ёғади, бу ёғиннинг 50 процентидан ортиғи муссон давriga тўғри келади.

Штатнинг иккинчи табиий зонасида Кашмир вилояти жойлашган, бу вилоят 22 минг км² майдонни, яъни штат территориясининг 10 процентини ишғол қилади. Бу зона те-варак-атрофи тоғлар билан ўралган катта ҳавзадан иборатдир. Ҳавзанинг ғарбидаги тоғларни Желом дарёсининг анча кенг водийси кесиб ўтади. Ҳавза бошдан-оёқ экинзорлар билан қопланган бўлиб, ора-орада ажойиб мевазор боғлар қучоғига чўмган қишлоқлар ўрнашган. Штатдаги экин майдонларининг 41 проценти ҳамда штат аҳолисининг 40 проценти Кашмир вилоятида жойлашгандир. Ҳавзани ўраб олган тоғ ён бағирлари ўрмон билан қопланган.

Вилоят денгиз сатҳидан анча баландда (масалан, Сринагар шаҳри денгиз сатҳидан 1586 м баландда) жойлашганлиги туфайли ёзи анча юмшоқдир: июль ойида ҳарорат, ўртача



Жамму-Кашмирнинг карта-схемаси.

олганда $+23^{\circ}$ ни ташкил этади. Кашмирни жанубда Ҳинд-Ганг текисликларидан тўсиб турган Пири Панжол тизмаси муссон таъсирини камайтиради, шу сабабдан бу ерга Жаммудагига нисбатан анча кам ёғин тушади. Аммо шунга қарамай, Кашмирда йиллик ёғиннинг 60 проценти муссон таъсирида ёз ойларида ёғади.

Штатнинг учинчи географик зонасига чегара округлари киради. Бу зонага Ладак номли муаззам тоғ тизмаларидан иборат катта район (бу районга шимоли-ғарбда Балтистон ҳам келиб қўшилади), шунингдек шимолдаги Гилгит агентлиги (агентлик етти кичик феодал мулкдан иборат) киради. Гилгит агентлиги Осиёнинг энг муаззам тоғ системалари — Ҳимолай, Қорақурум ҳамда Ҳиндукуш тизмаларининг кесишишидан ҳосил бўлган тоғ узелидаги дараларда жойлашган бўлиб, бу дараларга кириш нҳоятда қийиндир. Бир қанча тоғ чўққилари 8000 м дан ҳам баланд (масалан, Дапсанг 8611 м, Нанга-Парбат 8125 м, Гашербрум 8073 м, Хиддеп 8068 м баландликда жойлашган). Иқлими қуруқ ва кескин континенталдир. Гилгитда йилига 125 мм, Ладакнинг маркази — Лехда эса бор-йўғи йилига 81 мм ёғин тушади.

Бу районда аҳоли фақат ирмоқларнинг бош дарёга келиб қўйиладиган ерларидагина яшайди, қишлоқлар бир-биридан жуда узоқ жойлашган бўлиб, бир қишлоқдан иккинчи қишлоққа бориш учун от-уловда бир кун юришга тўғри келади. Чегара округлари 165 минг км² майдонни, яъни Жамму-Кашмир территориясининг 75 процентини ишғол қилади, аммо бу округларда штат аҳолисининг 10 процентигина яшайди.

Жамму вилоятининг паст текислик қисмида дарёлар жуда кам, аммо Пири Панжол тизмасининг ён бағирларидан, айниқса Удхампур округи территориясидаги ён бағирлардан, Ҳимолай ён бағирларидан ададсиз оқимлар оқиб тушадди, бу оқимларнинг суви Панжоб паст текислигидаги энг катта дарёлар — Рави ҳамда Чиноб дарёларига келиб қўшилади.

Кашмир паст текислигида қўллар кўп, дарёлар нисбатан бир меъёрда тақсимланган. Панжобдаги учта асосий дарёдан бири — Желом ана шу пасттекисликдан бошланади.

Чегара округлари жимоли-ғарбий Ҳиндистондаги энг катта дарёларга, жумладан, Ҳинд дарёсига сув берувчи улкан муз аккумуляторидан иборатдир. Фикримизнинг исботи учун қуйидаги мисолларни келтириб ўтамиз. Масалан, Қорақурум тоғ тизмаси жанубий ён бағирларининг 25 процент қисми музлик билан қопланган бўлиб, бу музликнинг умумий майдони 10 минг км² дан зиёд келади. Музликлардан оқиб ке-

ладиган Гилгит ирмоғи Ҳинд дарёсига у дастлаб қанча сув олган бўлса, шунча сув қуяди.

Жамму-Кашмир қимматли ер ости бойликлари (олтин, мис, темир, кўмир ва шу кабилар)га эга. Аммо яқин-яқингача бу бойликлардан Кашмир халқ хўжалиги эҳтиёжлари учун ниҳоятда кам фойдаланилар эди.

Штат территориясининг аксарият қисми ўрмон билан қопланган, бу ўрмонлардаги дарахт турларидан халқ хўжалигида ишлатиладиган ҳар хил қимматли ёғочлар тайёрланади, жуда кўп миқдорда қатрон олинади (йилига тахминан 2220 т қатрон олинади, бу — умумий қиймати жиҳатидан 600 минг Ҳинд рупийсига баробардир) ҳамда бу ўрмонларда ўсган ўт-ўланлардан қорамол учун хашак тайёрланади.

Жамму-Кашмирнинг ҳайвонот дунёси ниҳоятда бойдир. Ўрмонларда гала-гала маймунлар, ҳар тур олмахонлар, қоплонлар, айиқлар, бўрилар, мангустлар, савсарлар, латчалар, оқсувсарлар, кийиклар, кабарга ва ҳоказолар яшайди.

Жамму-Кашмирнинг ҳайвонот олами, айниқса, паррандаларга бойдир. Бу ўлкада яланг ўтлоқ, дала ва ўрмон паррандалари — ёввойи ўрдак ҳамда ғозлар, лочин, бургут ва бошқалар ниҳоятда кўпдир. Судралиб юрувчилар ҳамда ҳашаротлар олами ҳам ғоят ранг-барангдир.

Ҳиндистонда мустамлакачилик идора усулининг тугатилиши ва унинг мустақил тараққиёт йўлига кириши туфайли бу штатнинг бой табиий ресурсларидан яхши фойдаланиш учун зарурий шарт-шароит яратилди.

ҚИСҚАЧА ТАРИХИЙ ОЧЕРК

Жамму-Кашмир қадимий мамлакатдир. Кашмирнинг илк тарихи номи кетган кашмирлик олим Қалхана томонидан XII асрда ёзилган машҳур «Рожатарангиний» деган асарда баён қилинган. Қалхананинг ишини Жонарайя давом эттириб, Кашмир тарихини XV асрнинг биринчи чорагигача ёзиб қолдирди. Бизгача етиб келган бошқа бир тарихчи асарида, чунончи, Сривоъранинг асарида Кашмирнинг 1420 ва 1486 йиллардаги тарихи ёритилади. Рожавалипатака¹ солномасида эса Кашмирда XVI асрнинг иккинчи ярмигача бўлиб ўтган воқеалар ҳикоя қилинади.

Жамму-Кашмир тарихи, одатда, тўрт даврга, чунончи: мусулмонлардан олдинги давр, кашмирлик мусулмонларнинг ҳукмронлик даври, Улуғ Мўғулларнинг идора қилиш даври ва афғонларнинг ҳукмронлик даврига бўлинади. Кейинги асрлардаги тарихий асарларда юқоридаги схемага сикхлар ва дўғраларнинг ҳукмронлик даври ҳам қўшимча қилинади.

Жамму-Кашмир ҳақидаги дастлабки ёзма маълумотлар эрамиздан олдинги IV асрга тўғри келади. Дастлаб Кашмир жуда кўп майда мулклардан (тарихий асарларда бу мулклар Катрлар деб юритилади) таркиб топган бўлиб, мулкларнинг ҳокимлари бир-бирлари билан ҳамisha низо-адоватда яшаганлар.

Кашмирнинг ёзма манбаларга асосланган аниқ тарихини унинг Искандар Зулқарнайн (эрамиздан олдинги 356—323 йиллар) томонидан истило этилган вақтидан бошлаб баён этиш мумкин. Эрамиздан аввалги III асрда Кашмир Магадҳа деб аталган қадимги Ҳинд қулдорлик давлати составига кирган. Магадҳа давлатида Маурья сулоласи ҳукм сурган (эрамиздан аввалги 322—185 йиллар). Бу сулоладан чиққан энг машҳур ҳоким Ашока (эрамиздан аввалги 273—232

¹ The Imperial Gazetteer of India, Oxford, 1908, vol. XV, p. 90.

2 Pearce Gervie

Зайнул Абадиннинг 1398—1405 йилларда Самарқандда Темур саройида яшаганлиги юқорида айтиб ўтилган эди. У Самарқандда яшаган маҳалида «ўша вақтларда ўзининг усталари ва ҳунармандлари билан донг чиқарган Самарқанд халқларининг санъати ҳамда касб-ҳунарларини ўрганди»⁷. Ривоятларда Зайнул Абадин фан, адабиёт ва санъат ҳомийси деб аталади. Ҳозир Кашмирда гуллаб-яшнаётган кўпгина касб-ҳунарлар унинг номи билан боғлиқ. У кашмирда ги-лам ва шойи тўқиш ҳунарларининг асосчиси ҳисобланади. Кўпчиликнинг айтишича, Зайнул Абадин Туркистон ҳу-нармандларининг маҳорати билан танишиб чиққач, ўз ва-танида қоғоз қилишни ҳамда ёзув учун қайин пўстлогини ўрнига қоғоз ишлатишни жорий қилган⁸.

^s Prem Nath Bazaz, op. cit., p. 109, 110.

Мусулмонлар ҳукмронлиги даврида бутун мамлакат кичик-кичик маъмурий участкалар («парганалар»)га бўлинди. Ер солиғи учун ҳосилнинг $\frac{1}{6}$ қисми тўланарди. Кашмирда четдан келтириладиган ҳамма моллардан уларнинг умумий қийматининг $\frac{1}{6}$ қисми ҳажмида солиқ олинарди⁹. XV аср бошида икки хил ер солиғи жорий қилинди: баъзи ерлардан ҳосилнинг $\frac{1}{4}$ қисми ҳажмида, баъзи ерлардан эса ҳосилнинг $\frac{1}{7}$ қисми ҳажмида солиқ олинадиган бўлди. Солиқнинг ошишига суғориш тармоқларининг кенгайганлиги сабаб бўлди, чунки экин экиладиган ерларнинг майдони ортди ва шунга яраша деҳқонларнинг даромади ҳам кўпайди¹⁰.

Зайнул Абадин вафотидан сўнг Кашмирда феодал низолар авж олиб кетди. Мамлакат бора-бора забунликка юз тутди. Оқибат-натижада Кашмир 1586 йилда император Акбар (1556—1605 йиллар) томонидан забт этилиб, Улуғ Мўғулларнинг қудратли империяси составига қўшиб олинди.

Мўғул императорлари — Акбар, Жаҳонгир, Шох Жаҳон ҳамда Аврангзеб ўзларининг аксар вақтларини Кашмирда ўтказганлар. Ана шу императорларнинг кўрсатмаси билан Кашмирда ажойиб сайргоҳ боғлар барпо этилган, муаззам бинолар, янги йўллар қурилгандир. Кишиларнинг айтишича, Улуғ Мўғуллар ҳукмронлиги мобайнида Дол кўли соҳилларида жами бўлиб 777 та боғ барпо қилинган¹¹. «Улуғ Мўғуллар замонида Кашмир водийси муаззам боғ ёки кўнгил очадиган сайргоҳ бўлиб, бу ерга ҳар ёз мўғуллар ўзларининг жуда кўп хешу ақраболари ҳамда аъёнлари билан келиб, туну кунларини кети узилмас айшу ишрат, тўю томошада ўтказардилар»¹².

Кашмирнинг мўғул ҳокимлари ҳиндулардан сўнгги мусулмон ҳокимлари даврида тортиб олинган ҳуқуқни, яъни кўзғолмас мол-мулкка эга бўлиш ҳуқуқини уларга яна қайтариб бердилар. Император Акбар замонида эса ҳиндулар ҳатто юқори давлат мансабларида ҳам хизмат қиладиган бўлдилар. Акбар Кашмир ҳиндуларининг юксак эрудицияси ва маданиятини тан олар ва уларни «пандитлар» («олим, ўқимишли кишилар») деб атар эди¹³.

Бироқ сўнгги мўғул ҳукмдорлари замонида Кашмир ҳиндулари яна қувғин қилина бошлади. Ҳиндуларни таъқиб

қилишда Шох Жаҳоннинг ўғли император Аврангзеб айниқса ном чиқарди. Мўғул ҳокимлари халқ онгида фақат ажойиб боғларни барпо этганликлари билангина эмас, балки ўта золимликлари, шафқатсизликлари билан ҳам хотира қолдириб кетдилар. Мўғуллар заъфарон етиштириш ва овқилишни давлат монополияси¹⁴ деб эълон қилдилар, шунингдек, ер солиғини жуда ошириб юбордилар. Кашмир деҳқонларининг мўғуллар ҳукмронлигининг 51-кунда кўзғолон кўтариб чиқишларига ҳам асосий сабаблардан бири шу бўлди.

Кашмир деҳқонлари, «Оини Акбарий»¹⁵ да кўрсатилишича, давлатга 2 816 468 харвар¹⁶ ёки қарийб 1 миллион сўмлик¹⁷ ғалла етказиб берганлар. Бундан 928 780 харвар ғалланинг қиймати пул билан (тахминан 325 минг сўм) тўланган, қолган ғалла эса натура билан топширилган. А. Е. Снесаревнинг тахминича, юқорида кўрсатиб ўтилган солиқларнинг жамига фақат ер солиғигина эмас, балки ўтлоқ, лиқларнинг жамига фақат ер солиғигина эмас, балки ўтлоқ, ўрмон ва шу қабилардан олинадиган солиқлар ҳам кирган¹⁸.

XVIII аср бошларида Улуғ Мўғуллар империясининг заифланиш аломатлари кўрина бошлади, Аврангзебнинг вафотидан (1707 йил) сўнг эса империя бир неча давлатларга бўлиниб кетди. Улуғ Мўғуллар фақат Шимоли-Ғарбий Ҳиндистонда, жумладан, Кашмирда ва Жануби-Шарқий Афғонистондагина ҳақиқий ҳокимиятни ўз қўлларида тутиб қола олдилар. Эрон шоҳи Нодирнинг (1736—1747 йиллар) 1738 йилда Ҳиндистонга қилган юриши натижасида Улуғ Мўғулларнинг Шимоли-Ғарбий Ҳиндистон ва Афғонистондаги мавқеига узил-кесил путур етди. 1750 йилга келиб «Кашмир ноибининг ўрни меросий лавозимга айланди ва ноиб амалда Деҳлидан мустақил бўлиб қолди»¹⁹.

Афғонлар Улуғ Мўғуллар империясининг емирилганлигидан фойдаланиб, 1753 йилда Кашмирни босиб олдилар. Ана шу йилдан эътиборан то 1819 йилгача Кашмирда навбати билан 29 та афғон ҳокими ҳукмронлик қилди. Тарихий адабиётларда кўрсатилишича, афғон ҳокимлари замонида Кашмирдан йилига 6 миллион рупий (2 миллиондан зиёд сўм) солиқ тўланган. Тўғри, баъзи тарихчилар бу рақам ошириб берилган²⁰ деб тахмин қиладилар, бироқ, бундан қатъий

⁹ Ўша жойда, 81-бет.

¹⁰ Ўша жойда, 95 бет.

¹¹ Pearce Gervis, op. cit., p. 53; The Imperial Gazetteer of India, vol. XV, p. 93.

¹² А. Е. Снесарев, Северо-индийский театр, Военно-Географическое описание, ч. II, Ташкент, 1903, стр. 196.

¹³ С. Е. Tyndale Biscoe, Kashmir in sunlight and shade, L., 1922, p. 72.

¹⁴ Prem Nath Bazar, op. cit., p. 96.

¹⁵ «Оини Акбарий» — иқтисодий, статистик ва юридик маълумотларни ўз ичига олган қимматли тўплам. Бу тўплам Акбарнинг вазирлари Абул Фазл томонидан тузилган.

¹⁶ 1 харвар-4 пуд.

¹⁷ 1903 йилги нарх-наво ҳисобида.

¹⁸ А. Е. Снесарев, ўша асар, 298—299-бетлар.

¹⁹ The Imperial Gazetteer of India, vol. XV, p. 93.

²⁰ А. Е. Снесарев, ўша асар, 299-бет.

МУНДАРИЖА

Сўз боши	3
Жамму-Кашмир ҳақи а умумий маълумот	6
Қисқача тарихий очерк	11
Давлат тузуми ва маъмурий бўлиниш	33
Давлат тузуми	33
Суд системаси	38
Маъмурий бўлиниш. Маҳаллий идора органлари	39
Сиёсий партиялар ва жамоат ташкилотлари	43
Аҳоли	47
Халқ хўжалиги	61
Қишлоқ хўжалиги	61
Саноат	76
Транспорт	88
Ташқи савдо	90
Бюджет	90
Жамму-Кашмир аданияти	92
Фан ва адабиёт	92
Музика ва хореография	100
Меъморчилик, ҳайкалтарошлик, рассомлик	104
Маориф	106
Соғлиқни сақлаш	109
Спорт	109
Матбуот ва радио	111
Кашмирда империалистлар фаолияти (1917—1957 й).	113
Иловалар	135
Асосий манбалар ва адабиёт	162

